2021 йил – ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2021-yil 14-yanvar, payshanba **2** (9113)-son

e-mail: **info@qishloqhayoti.uz**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

**Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!**

**Қуролли Кучларимиз фахрийлари!**

**Муҳтарам ватандошлар!**

Аввало, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айём том маънодаги умумхалқ байрамига, азалдан халқимизга хос бўлган ватанпарварлик, мардлик ва жасурлик каби юксак фазилатлар тимсолига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Таъкидлаш керакки, **миллий армиямизнинг куч-қудрати азму шижоатли ва ҳар ишда етук салоҳиятли ҳарбий хизматчиларимизнинг, бағрикенг ва олижаноб халқимизнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигидадир.** Бу ҳақиқатни бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

**Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч рахна сололмайди, демократик ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайди.**

Биз баҳодир ва довюрак ҳарбийларимиз билан – ўзининг муқаддас қасамёдига содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф ила адо этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган қўрқмас ва ҳақиқий ватанпарвар аскар ва офицерларнинг **ота-оналарига,** шунингдек, ҳарбий ҳаётнинг бутун қувонч ва ташвишларини турмуш ўртоқлари билан баҳам кўриб келаётган меҳрибон ва сабр тоқатли **рафиқаларига** улкан миннатдорлик билдираман.

**Биз сизларнинг тимсолингизда миллий армиямизга тоғдек таянч бўлиб турган буюк маънавий кучни кўрамиз. Бугунги улуғ айёмда сизларнинг ҳам Ватанимизнинг мудофаа қудратини оширишда муносиб ҳиссангиз борлигини яна бир бор катта мамнуният билан эътироф этамиз.**

**Қадрли дўстлар!**

Биз бундан тўрт йил олдин Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб олган эдик. Шу асосда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш учун кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг мудофаа қудрати ва ҳарбий-техник салоҳиятини юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, профессионал миллий армияни шакллантириш ва нуфузини оширишдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик-осойишталик ҳамда жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги самарали меҳнати, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик ва она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, юқори маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

**“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан**

**Бурхонов Ахмад Жамолович** – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари – Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони

**II даражали “Шон-шараф” ордени билан**

**Абдуллаев Бекмурод Тожимирзаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг биринчи ўринбосари

**Бабалиев Ғафур Ганиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командири

**Гиясов Фаррух Камалитдинович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Иминов Зайнобиддин Рўзиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондони

**“Дўстлик” ордени билан**

**Каримов Жамшид Жалилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари

**Ким Евгений Владимирович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлим бошлиғи

**Султанов Баҳодиржон Тухтабоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

**“Мардлик” ордени билан**

**Давлатов Фарходжон Комилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Исмоилов Мансурбек Баҳодирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонининг ўринбосари

**Эсанов Тўлқин Абдурахманович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**“Жасорат” медали билан**

**Болтаев Бунёд Пўлотович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секция командири

**Гайбуллаев Алимардон Умуркулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм батальон командири

**Ишмуратов Шамсиддин Коржович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Каримов Жамшидбек Олимбаевич** – Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси “Сариосиё” чегара божхона пости катта инспектори

**Қодиралиев Улуғбек Маннопали ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**(Давоми 2-саҳифада)**

## Наманганда ўрганса арзийдиған ишлар кўп

Президентимиз Наманган вилоятига қилган ташрифи чоғида соҳаларда амалга оширилаётган ишлар кўламидан кўнгли тўлиб, бир қатор янгилик ва ташаббусларни мамлакат миқиёсида оммалаштиришни тавсия этган эдилар.

Ана шундан буён Наманганга қатор ҳудудлардан масъул раҳбар, тадбиркор ва фермерларнинг келиши, тажриба алмашишлари давом этмоқда. Яқинда ҳам Қашқадарёнинг Китоб, Касби, Косон ва Муборак туманлари ҳокимлари бошчилигида делегация келди.

Улар дастлаб амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ва диққатга сазовор жойларни бориб кўрди. Бугунги кунда асосан ёшлар меҳнат қилаётган, 3250 нафар иш ўрнига эга, 2020 йилнинг ўзида 223,7 миллиард сўмлик тўқув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришган, чет давлатларга 20,7 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилган “Art Soft Holding” компанияси фаолияти билан танишди. Кейинги манзилларда пластик буюмлар, сантехника жиҳозлари ва ичимлик суви сиғимлари, замонавий кийимбош ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Зафар пласт”, “Флат Тиле” ва “Фабрика Наше” корхоналарининг дунё миқиёсида эришаётган натижалари билан ўртоқлашдилар.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ҲАРБИЙЛАРГА ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Бухоро тумани “Зарманоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари учун қурилган 2 та 5 қаватли, жами 60 хонадондан иборат уй-жойлар фойдаланишга топширилди.***

Мамлакатимизда сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани адо этиб келаётганлар ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Соҳа вакилларини самарали хизмат қилиши учун барча шароит яратилмоқда.

Байрам арафасида фойдаланишга топширилган янги уй-жойлар “Бобур Бухоро қурилиш” ИТҚ МЧЖ ҳамда “Парвоз Камфорт” МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилди. Мазкур уйлар барча замонавий шароит, алоҳида иситиш тизимига эга. Уйлар олдида болалар майдончаси барпо этилган.

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.**



## МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 13 январь куни машинасозлик тармоғини трансформация қилиш ва соҳада рақобатни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мазкур тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи йўналишларидан бўлиб, саноатдаги улуши 11 фоизни ташкил қилади. Шу билан бирга, ҳисоб-китобларга кўра, ушбу соҳада ишлаб чиқаришни бир неча баробар ошириш имконияти бор.

Бугунги кунда бир қатор компаниялар Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва инвестициялар олиб кириш истагини билдирмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари локализация даражасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар учун бир хил шароитлар жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Бунда, автомобилларни саноат усулида йиғиш, йилига 50-60 мингта ҳамёнбоп автомашина ва электромобиллар ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда Хоразмда кузов деталларини тайёрлаш корхонаси, Андижонда 4 та, Навоий вилоятида 2 та маҳаллийлаштириш лойиҳалари ишга туширилади. Кооперация платформаси доирасида 122 та хусусий корхона иштирокида яна 80 та детал ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилади.

Мамлакатимизда барча давлат корхоналарини ислоҳ қилиш дастури амалга оширилмоқда. Йиғилишда шу масалага эътибор қаратилиб, хорижий мутахассислар иштирокида “Ўзавтосаноат” фаолиятини трансформация қилиш офисини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Ушбу жараёнларда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги етакчи бўлиб, ишларни мувофиқлаштиради.

1 июлга қадар тармоқ таркибидаги 40 та корхонани трансформация қилиш бошланади. Тармоқда рақобат муҳитини ривожлантириш учун компания таркибидаги эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган 23 та корхонани хусусийлаштиришга тайёрлаш лозимлиги қайд этилди. “Ўзавтосаноат”нинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлмаган 14 та ташкилотдаги улушларини сотувга чиқариш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ислоҳ қилиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама этилди. Тармоқда иқтисодий самарадорликни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича вазифалар белгиланди.

Мутасаддиларга корхоналарнинг бўш ер майдонларини оптималлаштириш, техникалар таннархини 30 фоизгача тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳамёнбоп техникалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, шу йил якунигача уларнинг локализациясини 30 фоизга, келгуси йилда эса камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

**(Боши 1-саҳифада)**

**Ўтган қисқа даврда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди, ҳарбий тузилмаларнинг таркиби ва вазифалари чуқур қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника воситалари билан таъминлаш бўйича ўта муҳим лойиҳалар амалга оширилди.**

Тарихимизда биринчи марта ўз моҳиятига кўра ноёб тизим – ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бундай иш усули жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга фаол жалб этиш учун имкон берди. **Энг муҳими, “Армия ва халқ – бир тану бир жондир”** деган улуғ ғояни амалда таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари республикамиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

**Энг асосийси, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.**

Албатта, ўтган 2020 йил жаҳондаги барча давлатлар қатори мамлакатимиз учун ҳам жиддий синовлар йили бўлди. Биз коронавирус пандемиясининг таҳдидига, шунингдек, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кутилмаган табиий ва техноген офатларга дуч келдик.

Ана шундай ғоят кескин шароитда Қуролли Кучларимиз соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг **“Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ – чин вазифангиздур”,** деган эзгу даъватини ўзига шиор қилиб олди.

Улар халқимизга янада яқин бўлиб, сафарбарликни ошириб, қисқа муддатларда ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муносиб адо этганини барчамиз чексиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Айниқса, бу жараёнда ҳарбий шифокор ва хизматчиларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ва қутқарув хизмати ходимлари ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини, юқори касбий маҳоратни намоён этганлари алоҳида таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Бундай мураккаб вазиятда Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилгани аҳоли саломатлиги ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни тезкор ва самарали ҳал этиш имконини беради.

**Минтақамизда ягона бўлган ушбу янги академия ҳарбий тиббиёт соҳасида, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда иштирок этадиган юқори малакали ва ихтисослашган кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.**

Академияда жаҳон андозаларига мос инновацион ишланмалар ҳамда илғор технологияларга асосланган ўқув-лаборатория хоналари ва энг замонавий моддий-техник база яратилмоқда.

Миллий армиямизнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, ҳарбий қудрати ва салоҳиятини янада ошириш имконини берди.

Паҳлавон ва ботир ўғлонларимиз халқаро ҳарбий-ўқув машғулотлари, армия ва спорт мусобақаларида дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбий хизматчиларига асло бўш келмасдан, ғалабага бўлган иродасини яққол намойиш этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини исботламоқдалар.

**Муҳтарам ватандошлар!**

Биз глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳарбий шаҳарчаларни ободонлаштириш, уларда замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича тизимли ишларимизни изчил давом эттираяпмиз.

**Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилди. 3 мингдан зиёд ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Ҳарбий хизматчиларнинг мингдан ортиқ фарзандларига олий ўқув юртларида таълим олишлари учун давлат грантлари ажратилди.**

Ҳеч шубҳасиз, **Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили**да бу борадаги ишларимизни янада кучайтириб, мутлақо янги босқичга кўтарамиз.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форумида, Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномамизда ҳам ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни аниқ белгилаб бердик.

**Янги Ўзбекистонда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғлом, Она Ватанга фидойи ва жонкуяр инсонлар бўлиб улғайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшаши учун барча куч ва имкониятимизни тўлиқ сафарбар этамиз.**

Жаҳонда мафкуравий курашлар кескин тус олаётган, ахборот маконида турли хавф-хатар ва таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда барчамиз доимий огоҳ ва сезгир, фаол фуқаролик позициясига эга бўлишимиз керак.

Айниқса, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушган шахслар ва уларнинг фарзандларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва уларни соғлом турмуш тарзига, тўғри йўлга қайтаришда ҳарбий хизматчиларимиз давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириши лозим.

**Ҳурматли мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!**

Бугун дунёнинг олис ва яқин минтақаларида мураккаб можаро ва тўқнашувлар давом этаётган бир пайтда жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишимиз шарт.

Хусусан, мудофаа қобилиятимизни мустаҳкамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратни ошириш бундан кейин ҳам устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

**Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч меҳнати, осойишта ҳаётини, юртимизнинг мусаффо осмонини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.**

**Ҳурматли дўстлар!**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан сиз, азизларни ва оила аъзоларингизни яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва саодат, шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Халқимизнинг юксак ишончи ва ҳурмат-эҳтироми сизларга ҳамиша ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

**Мухаммадиев Рустам Идрисович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи

**Нарзиев Бобур Норқузи ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм взвод командири

**Норматов Фарух Кахрамонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг ўринбосари

**Нуруллаев Улуғбек Суннатилло ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта мутахассиси

**Рашидов Жасур Худойқулович** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ўзбектемирйўлэкспедиция” унитар корхонаси тасарруфидаги “Sogdiana trans” шўъба корхонаси ҳайдовчиси

**Эшонқулов Сохиб Шаймович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Янгибоев Хусниддин Имомқулович** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси инспектори

**“Содиқ хизматлари учун” медали билан**

**Абдурахманов Отабек Джурабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Таъминот департаменти бошлиғи

**Абдурахманова Нодира Мирзахитовна** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бўлим бошлиғи

**Абдурахмонов Акмалжон Имамалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси катта терговчиси

**Айхунбаев Йўлчи Лапасович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сирдарё вилояти бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчи-ғаввоси

**Акбаров Мирхаким Гуламназирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси алоҳида батальони гуруҳ сафдор ходими

**Акбаров Хизирали Умаралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг биринчи ўринбосари

**Джалилов Акмал Саттарович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси 2-жазони ижро этиш колонияси бошлиғи

**Дусниязов Бахтияр Зарипович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури бўйича тайёрлаш маркази бошлиғи

**Ёқубов Улуғбек Адхамович** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳарбийлаштирилган тузилмалар фаолиятини молиявий ва моддий-техник таъминлаш бўлими бош мутахассиси

**Жалолов Аслиддин Мухиддинович** – Жиззах вилояти Мирзачўл тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Зулфикоров Бахром Билолидинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти бошлиғи

**Изатуллаев Акрамжон Шукруллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси департаменти бошқарма бош мутахассиси

**Казимов Эркин Исраилович** – Самарқанд шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Мамадалиев Улуғбек Одилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Мамажонов Фахриддин Мухторович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси алоҳида батальон командири

**Маманазаров Фаррух Пирназарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ бошқарув аппарати хизмат бошлиғи

**Мамаюсупов Муроджон Абдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқарма бошлиғи

**Марасулов Аброр Амонидинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта механиги

**Мирзаев Нуриддин Хамидулаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Муратов Руслан Ихласович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент вилояти бўйича портловчи ускуналарни зарарсизлантириш махсус отряди бош мутахассиси

**Наймимов Азиз Убайдуллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маркази ёнғин-қутқарув қисми йўриқчи-қутқарувчиси

**Насматов Бахтияр Умарович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар бошқармаси ёнғин-қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчи-ғаввоси

**Одилов Фаррух Ҳаётович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони катта техниги

**Ортиков Фарходжон Набижонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи

**Пирназаров Роман Аралович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси кафедра ўқитувчиси

**Раимов Элмурад Телманович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси алоҳида батальони командирининг ўринбосари

**Сабиров Акбар Ходжиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Сатторов Валижон Бозорбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Сафаев Юсупбай Хужабаевич** – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири

**Тажиев Жанибек Адамбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти лабораторияси катта илмий ходими

**Ташбеков Самар Расулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ихтисослаштирилган ўқув маркази цикл бошлиғи

**Улмасова Шахноза Рахматджановна** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Марказий ҳарбий госпитали шифокори

**Хаитов Бахтиёр Омонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Халмухамедов Дониёр Заирович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар муаммолари илмий-тадқиқот институти бошлиғининг ўринбосари

**Хасанов Дилшод Закирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи

**Хидиров Шаҳриддин Эргашович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Холматов Хабибулла Хамидуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра доценти

**Хуррамов Жамшид Ахрорович** – Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра бошлиғи

**Чориев Мироли Бахтиярович** – Навоий вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Шарипов Феруз Наимович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири

**Шокиров Умиджон Шарибжонович** – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси

**Шорустамбоев Умид Мухаммаджон ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эргашев Рустам Абдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Эрдонов Фахриддин Тўрақулович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Эрматов Хусан Абдуманапович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий сафарбарлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Юлдашев Мансур Махмуджонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Юнусов Улугбек Абдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғининг ўринбосари

**“Соғлом турмуш” медали билан**

**Ибрагимов Зафаржон Амриллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бош трансфузиологи

**Касимова Гулчехра Мирвалиевна** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали терапевт шифокори

**Маткурбанов Сардор Балтабаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ Нукус ҳарбий госпитали бошлиғи

**Нарзиев Шухрат Каримович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ Самарқанд ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

**Холмаматова Лариса Хакбердиевна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали шифокори

**Юлдашев Абдуғани Хошимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тиббий таъминот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**“Шуҳрат” медали билан**

**Ахмедов Фарход Хабибуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**Бахрамов Бахтиёр Акрамович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми йўриқчи-қутқарувчиси

**Боротов Рустам Ботирович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби бошқарма штаби бошлиғининг ўринбосари

**Буриев Алберт Алиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Ёшузоқов Эркабой Эргашбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Жиззах вилояти Мирзачўл тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми қутқарувчи-ҳайдовчиси

**Жалилов Рафиқжон Кулдашевич** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

**Журакулов Лазизжон Ҳасан ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Ибрагимов Шерзод Эгамбердиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Каримов Алишер Амир ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

**Кенжаев Шокиржон Хусанович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Курбанов Марат Юсуфович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий қисм взвод назоратчиси

**Мадаминов Бахтиёр Алимбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари

**Маматов Уткирджон Актамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Махсус авария тиклаш бошқармаси бўлим бошлиғи

**Мингбаев Адҳамжон Олимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси алоҳида батальони гуруҳ сафдор ходими

**Мухаммедов Уктам Холмаматович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Нарзиллоев Бахтиёр Каримбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Бухоро вилояти бошқармаси қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчиси

**Никитин Дмитрий Юрьевич** – Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Тошкент товар” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости гуруҳ инспектори

**Останаев Исломжон Мамараим ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди гуруҳ мутахассиси

**Охунов Сардорбек Хамидиллоевич** – Наманган ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

**Раҳимов Умарқул Мардонович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Навоий вилояти Нурота тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми техниги

**Саидов Ёрқинжон Хасанович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани фавқулодда вазиятлар бўлими ёнғин-қутқарув қисми смена бошлиғи

**Сайимбетов Ринат Жаксиликович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Тожимаматов Шоятбек Абдирахмонович** – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

**Халилов Шавкатбек Андижанбоевич** – Андижон вилояти божхона бошқармаси “Дўстлик” чегара божхона пости бош инспектори

**Холиков Мухаммаджон Абдумухторович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги махсус қидирув ёнғин-қутқарув бошқармаси гуруҳ фельдшери

**Эргашев Асқар Тураевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Нукус” халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича алоҳида батальони назоратчиси

**Эшов Анвар Турдиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм техниги

**Юлдашев Ғолибжон Комилжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ техник назоратчиси

**Юсупов Алимардон Убайдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 12 январь

# Наманганда ўрганса арзийдиган ишлар кўп

**(Боши 1-саҳифада)**

Яқинда давлатимиз раҳбарининг “Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қишлоқ хўжалиги соҳаси истиқболини кўзлаб қабул қилинган муҳим ҳужжат ижросини амалга ошириш учун вилоятда етарли шарт-шароит, тажриба тўпланган. Буни қашқадарёлик делегация аъзолари мамлакатда ягона гул етиштиришнинг илмий асосланган усул ва технологияларига эга “Гулчиликни ривожлантириш маркази” ва 150 ишчи ўрни яратилган, 582 гектар майдонда гилос, ўрик, шафтоли етиштириш, экспорт қилишда катта тажриба орттирган “Gold fresh Fruits” МЧЖ фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Меҳмонларни қабул қилган вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззақов икки вилоят ўртасидаги бундайин ҳамкорлик, тажриба алмашишлар ўз самарасини беришини таъкидлади.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**



***МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ***

# Ғалла парваришида

## бугун нималарга эътибор қаратиш зарур?

**Бошоқли дон экинлари бугунги кунда мураккаб физиологик жараёнларни ўтамоқда. Бу йилги об-ҳаво ҳар йилгига нисбаттан мураккаб келмоқда. Январ ойида ёғингарчиликнинг кам бўлиши, қуруқ ва совуқ бўлиши ғалла майдонларидаги тупроқнинг 20-25 см. қатламида намлик етишмаслиги ҳолатларини юзага келтиради. Об-ҳаво шароити униб чиқмаган, кечки, ривожланишдан орқада қолган, кузда озиқлантирилмаган ғалла майдонларини азотли ўғитлар билан озиқлантириш ҳамда суғориш ишларини амалга оширишни тақозо этмоқда.**



Бугунги кундаги биринчи навбатдаги тадбир бу униб чиқмаган майдонларни ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда кўллатмасдан, сифатли суғориш ишларини амалга оширишдир. Озиқлантирилмаган, суғорилмаган, тупроқда намлик етарли бўлмаган ғалла майдонларидаги ниҳоллар совуққа, бошқа стрессларга берилувчан ҳамда касаллик ва зараркунандаларга тез чалинувчан бўлиб қолади. Эрта баҳордан тупланмасдан найчалаш фазасига ўтиб кетиши ҳосилдорлик пасайиб кетишига сабаб бўлади. Республикамизнинг айрим ҳудудларида ғалла ривожи орқада, туплаш даражаси пастлиги кузатилмоқда. Ривожи паст, яхши тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касалликлар ва зараркунандаларнинг ривожланиши кучайиб, ҳосилдорликка жиддий зарар келтириши кўп йиллик амалиётда кузатилган. Шунинг учун ҳар бир майдон ҳолатидан келиб чиқиб, ўз вақтида озиқлантириш ва суғориш ишларини ташкил қилиш зарур.

Ҳозирга кунларда республикамизнинг айрим туманлари далаларида ғалла ривожи орқада, туплаш даражаси пастлиги кузатилмоқда. Ривожи паст бўлган, яхши тупламаган ғалла майдонларида бегона ўтларнинг кўпайиши ҳамда касалликлар ва зараркунандаларни ривожланиши кучайиб, ҳосилдорликка жиддий зарар етказади. Шунинг учун ниҳоллар униб чиқмаган майдонларни зудлик билан 25 январгача, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида эса 25 январдан шароитга қараб, кўллатмасдан суғориш тавсия этилади. Ғалла тўлиқ униб чиққандан кейин гектарига 100 кг. дан ва 15 кундан кейин яна 100-150 кг. дан азотли ўғит бериш ғалла ривожини тезлаштиради. Ривождан орқада қолган ғалла майдонларига гектарига 150 кг. меъёрида азотли минерал ўғитлар солиш, суғориш ишларини кўллатмасдан “шарбат” усулида амалга ошириш лозим. Ушбу майдонларга тўла туплагунга қадар кимёвий воситалар билан бир марта ишлов бериш ҳамда тўла туплагандан кейин эса карбамид билан гектарига 10-12 кг. меъёрида суспензия сепиш лозим. Ғалла ниҳолари тўла туплаган майдонларга карбамиддан гектарига 150 кг. дан, агар аммиакли селитра ёки сульфат аммоний ўғитидан бериладиган бўлса гектарига 200-250 кг. дан солинади ва суғоришни “шарбат” усулида ўтказиш тавсия этилади. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши натижасида тиним давридан чиққан, тўла туплаган, ривожи яхши, ғалла ниҳоллар ер юзасини тўла қоплаган майдонларга кимёвий воситалар ва карбамид билан суспензия сепилади. Айрим сабабларга кўра, экиш олдидан фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантирилмаган ёки кеч экилган майдонларга соф ҳолда 60-70 кг. дан фосфорли ва 60 кг. дан калийли ўғитларни солиш тавсия этилади. Бунда аммофос бериладиган бўлса физик ҳолда 200 кг./га., оддий суперфосфат бериладиган бўлса 500 кг./га. Калийли ўғит сифатида калий хлор ўғитидан 100 кг./га. миқдорида бериш тавсия этилади. Озиқлантирилган майдонларни енгил, кўллатмай суғориш мақсадга мувофиқдир. Ғўза қатор орасига экилган ғалла майдонларини ғўзапоя ва хас-хашаклардан зудлик билан тозалаш, ушбу ишларни ер музлаганда амалга ошириш керак. Ғаллазорлардаги бегона ўтларга, кассаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий курашни ташкил этишда зарур бўладиган кимёвий воситалар захирасини, ОВХ-05, штангали пуркагичларни тайёрлаб қўйиш керак. Ҳар 5 гектар ҳисобига “шарбат” ўралари ковланиб, 5-10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариш, ривожи жуда орқада бўлган майдонлар учун 20-30 тоннадан чириган гўнг чиқариб, сепиш ва суғориш тармоқлари, ариқ зовурларни тозалаш ишларини ташкил этиш лозим. Бугунги кундаги об-ҳаво шароитларини инобатга олиб, ғалла майдонларида ниҳолларнинг ривожланишини доимий назорат қилиб бориш учун кузатувчилар гуруҳини шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Амалга оширилиши зарур бўлган ушбу ишлар ғалла ривожини тезлаштиради, белгиланган муддатларда берилган сув тупроқ қатламидаги ишқорли муҳитни ўзгартиради. Чучук сув илдиз жойлашган тупроқдаги шўрни ювиши ҳисобига ғалланинг илдиз тизими яхши ривожланади ва туплаш жараёнини тезлаштириб, 3-4 тадан туп ҳосил қилшини таъминлайди. Шунингдек, ғалла экилган майдонлар тупроқ қатламидаги намлик 35-40 см.дан пастроққа тушади. Натижада ғалланинг қурғоқчиликка чидамлилиги ортиб, сув танқис вақтда ҳам ҳосили камайишининг олди олинади.

Ғалла етиштириш кластер усулида ташкил этилган туманларда бугунги кундаги об-ҳаво шароитларини инобатга олиб, кластер хўжаликлари раҳбарлари ғалла майдонларида ниҳолларнинг ривожланишини доимий назорат қилиб бориш учун кузатувчилар гуруҳини шакллантириб, ҳар 2-3 кунда кузатув натижалари таҳлилларини амалга ошириб бориши керак.

Мазкур тавсияларнинг об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажарилиши келгуси йилда гектаридан 70-80 центнер ва ундан ортиқ ҳосил олинишига замин яратади.

**Р.СИДДИҚОВ,**
*Дон вадуккакли экинлар илмий тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., РФА академиги.*



**Фарғона вилояти**

# Сув тежовчи технологияларга қизиқиш катта

Бунинг сабаби бор, албатта. 80-90 фоиз сув республикамизга четдан кириб келадиган бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилояти бўйича 95-98 фоизни ташкил қилади.



Ер остидан чиқадиган баъзи булоқларни ҳисобга олмаса, суғорма сувлар асосан Қирғизистон ва Тожикистондан кириб келади. 2020 йилнинг ёзги суғориш мавсумида кузатилган сув танқислиги фермерларимизни янада ҳушёрликка чақирди. Шу йили сув тежовчи технологиялардан фойдаланган фермерлар сув танқислигини сезишмади. Масалан, Фарғона туманидаги “Даштда гул” фермер хўжалиги, “Fergana oceana” кластери, Риштон туманидаги “Мавзуна замини” фермер хўжалиги, Қўштепа туманидаги “Фергана глобал текстил” пахтачилик кластери сув тежайдиган техналогияларни қўллаб, пахта ҳосилдорлигини гектарига 10-15 центнерданга, даромадни эса шунга яраша 1,5-2 баробарга оширишга эришдилар.

Президентимизнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатида айтган 2021 йилда сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш тўғрисидаги фикрлари вилоят сув тизими ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг айни муддаоси бўлди. Жорий йилнинг 13 январь куни Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида бўлиб ўтган сув хўжалиги мутахассислари, консультантлар ва фермерларнинг малакасини ошириш бўйича сайёр ўқитиш курсларида айнан шу мавзудаги долзарб муаммолар муҳокама қилинди, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Тадбир Сув хўжалиги вазирлигининг Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази томонидан ҳавза бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда вилоятдаги ирригация тизими бошқармалари, туман ирригация бўлимлари, шунингдек, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси, Мелиоратив экспедицияси, Сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси ходимлари, туман СИУ раҳбарлари, қурувчи корхоналар ҳамда фермерлар қатнашди.

Қурувчилар томонидан кўргазмага қўйилган жиҳозлар фермерларнинг катта қизиқишларига сабаб бўлди.

Ўқув курслари давомида сувни тежовчи технологияларнинг ҳосилдорликни оширишдаги афзалликлари, иқтисодий самараси, ер танлаш, давлат томонидан берилаётган имтиёзлар, янги технологияларни жорий этишни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, сервис хизмати, соҳа олдидаги вазифалар ва бошқа бир қанча масалалар юзасидан савол-жавоблар бўлди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**



**Навоий вилояти**

# *Республика ишчи гуруҳи аъзолари ёшлар билан очиқ мулоқот қилди*

***Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор масаласига айланди.***

Ўтган йил 25 декабрь куни Республикамизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлари форуми ҳам бунинг бир мисолидир.

Бугун ёш авлодга қаратилаётган эътиборни шунчаки таърифлаб бўлмайди, албатта.

Янги Ўзбекистонимизнинг навқирон ёшлари бугун янги куч ва шижоат билан майдонга кириб келмоқда.

2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилиниши замирида ҳам келажагимиз эгаларига бўлган юксак эътиборнинг яна бир ифодасини кўриш мумкин.

Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам ёшлар масаласи энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган масала сифатида таъкидлаб ўтилди.

Аввало, ёшлар келажаги билан боғлиқ ҳар қандай вазифа бирламчи аҳамиятга эга.

Бугун Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”да ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида республика ишчи гуруҳи аъзолари Навоий шаҳри ёшлари билан очиқ мулоқот қилди.

Очиқ мулоқотда Навоий шаҳар ҳокими М.Базаров, Республика 1-ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш.Раҳимов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғ.Мусурманов ва ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда тегишли ташкилот, муассаса раҳбарлари томонидан ёшларнинг ҳар бир мурожаати атрофлича тингланди.

Очиқ мулоқотда ёшлар томонидан бандлик, кредит ва бошқа масалалар билан боғлиқ 100 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Шунингдек, учрашувда ёшларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди. Тадбир доирасида иш сўраб мурожаат этган ёшларга иш ўринлари мавжуд бўлган корхона раҳбарлари томонидан “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамойили асосида уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида сертификатлар берилди.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# Мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак ўз ишини бошлади

Маълумки, сўнгги йилларда юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам фаол ислоҳот ва тараққиёт сиёсати олиб борилмоқда. Айниқса, ҳозирда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,7 фоизини ташкил қиладиган мева-сабзавотчилик йўналишига катта эътибор қаратилиб, унга кенг кўламда чет эл инвестициялари ҳамда турли халқаро ташкилотларнинг кредит ва грант маблағлари жалб қилинмоқда.



Шу жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокидаги (ХТТБ улуши – 650,00 млн. АҚШ доллари) “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш” лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Мазкур лойиҳанинг қишлоқ хўжалигига техник ёрдам кўрсатиш компонентини молиялаштириш учун Европа Иттифоқининг 19,5 млн. евро миқдоридаги грант маблағлари Ўзбекистон Республикаси ва ХТТБ ўртасида 2018 йил 7 сентябрда имзолаган Грант битими асосида жалб қилинган. Бу компонент Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, фермерларга зарур технологиялар, ахборотларни етказиб бериш, шунингдек, маҳсулот сифати бўйича халқаро стандартларни жорий қилишни ўз ичига олади. Мазкур компонент доирасида Европа Иттифоқининг грант маблағлари ёрдамида амалий тадқиқотлар билан шуғулланувчи ташкилотлар – Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот марказининг мева-сабзавотчилик соҳасига ихтисослашган марказий ва ҳудудий лабораторияларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, генетик материални кўпайтириш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, ушбу илмий-тадқиқот институтларининг ва манфаатдор ташкилотларнинг ходимлари учун маҳаллий ва чет эллик мутахассислар иштирокида мунтазам равишда малака ошириш курслари, семинар-тренинглар ўтказиб келинмоқда, хориж давлатларига ўқув-танишув сафарлари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, компонент доирасида Тошкент вилоятида гидропоника усулидаги иссиқхоначилик бўйича, Жиззах вилоятида интенсив боғдорчилик ҳамда олча, олма ва шафтоли етиштириш, суғориладиган ёнғоқ боғи бўйича, Қашқадарё вилоятида ошқовоқдан ун тайёрлаш бўйича, Самарқанд вилоятида боғни суғоришда қуёш энергетикаси тизимидан фойдаланиш бўйича ва Хоразм вилоятида интенсив боғлар барпо этиш бўйича кўргазма майдонлари ташкил қилинган.

Лойиҳанинг “Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак” қисмини амалга ошириш “Sofreco” (Франция) ва “Global Advisors” (Ўзбекистон) консалтинг компанияларидан иборат консорциумга топширилган. Ушбу техник кўмак лойиҳаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини 2030 йилгача ривожлантириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш стратегияларига мос равишда олиб борилади. Мазкур компонентнинг асосий мақсади замонавий усуллар ва технологиялар ёрдамида мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, саралаш ва қадоқлаш бўйича кўргазма майдонларини ташкил қилиш, соҳада замонавий технологияларни жорий қилиш, мева-сабзавотчилик тармоғининг ҳосилдорлигини ва рентабеллигини ошириш, селекция, уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги илмий-текшириш институтлари салоҳиятини модернизация қилиш кабилардан иборат.

Мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак лойиҳаси 3 йил муддатга мўлжалланган бўлиб, у бутун мамлакат бўйича мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 12 мингга яқин фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳамда 600 га яқин агробизнес вакилларини қамраб олади. Бунинг учун манфаатдор ташкилотлар ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари билан ҳам узвий ҳамкорликда иш олиб борилади. Шу мақсадда халқаро ва маҳаллий мутахассислардан иборат техник кўмак жамоаси 2020 йил декабр ойида Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти ҳамда Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази жамоалари билан бир қатор онлайн ва офлайн учрашувлар ўтказди. Ушбу ҳамкорлик доирасида техник кўмак жамоаси ва мазкур илмий-тадқиқот институтлари ўртасида институтлар томонидан мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш, ўсимликларни зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича ташкиллаштириладиган малака ошириш курслари ва ахборот тадбирлари учун ўқув дастурлари ва қўлланмаларини ишлаб чиқишда ва мавжудларини янги билим ва технологиялар билан янгилашда ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

**Тўйчи РЎЗИБОЕВ,**
*Мева-сабзавотчилик технологиялари бўйича техник кўмак гуруҳи эксперти.*

**ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент молия институти томонидан Абдуллоев Нодир Неъматович номига берилган В№ 273586 (рўйхат рақами 4602) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Euroasia Insurance ” Бош амалиёт бошқармасига тегишли №118955 118959 85479 100969 122249 122250 122254 рақамли суғурта полиси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ғазалкент хизмат курсатиш ва иктисодиет касб-хунар коллежи томонидан 2016 йилда Ибрагимова Элиза Абдумаликовна номига берилган К № 4426411 (рўйхат рақами 293) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2019 йилда Султанов Сухроб Баходир ўғли номига берилган 2830-сонли баҳолаш дафтарчаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2018 йилда Усарова Зиёда Абдувалиевна номига берилган К 5325947 (рўйхат рақами 4239) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент туризм ва сервис коллежи томонидан 2014 йилда Холмуродов Абдулатиф Алишер ўғли номига берилган К№ 3544740 (рўйхат рақами 6855) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чилонзор тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри ДК томонидан Чилонзор тумани Чўпон ота кўчаси Чилонзор G9A 14-уй 62-хонадон эгаси Амонова Мухаббат Аминовна номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.





Наманган вилояти

# Нанайда ватанпарварлик фестивали

***Ўзбекистон ёшлари форумида Президентимиз Шавкват Мирзиёев томонидан илгари сурилган вазифаларнинг ижросини амалга ошириш мақсадида Наманган вилоятида ҳарбий ватанпарварлик фестивали ташкил этилди. Янгиқўрғон туманининг Қирғизистон билан чегарадош ҳудудида жойлашган тоғолди қишлоғи Нанайда амалга оширилган маънавий-маърифий тадбир 14 январ – Ватан ҳимоячилари кунига бағишланди.***



Фестивал Нанай кўчалари бўйлаб юриш қилган ҳарбий техникалар ва Мудофаага кўмаклашувчи ватанпарвар ташкилоти вилоят кенгашининг автомобил карвонларининг салобатли ўтиши билан бошланди. Унда иштирок этган вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов ва секторлар раҳбарлари кун тартибидаги барча тадбирларда ёшлар билан яқиндан мулоқотда бўлди. Қишлоқ марказида туманнинг иккинчи истеъдод эгалари, иқтидорли ёшлар томонидан ижро этилган рангба-ранг чиқишлар фестивалга янада кўтаринкилик ва жозиба бағишлади.

Шу куни 2-сонли ўсмирлар ва спорт мактабида ўндан ортиқ спорт турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унинг ғолиблари ва волейбол бўйича республика биринчилигида совринли ўринларни қўлдан бермай келаётган туманнинг қизлар жамоасини тақдирлаш, мактабга юз миллион сўмлик спорт жиҳозларини топшириш жараёнида вилоят раҳбари умидли ёшларга каттадан-катта муваффақиятлар тилади.

Барча қулайликларга эга маданият марказида ташкил қилинган “Сектор раҳбарлари ва ёшлар учрашуви” ҳам қизғин савол ва жавобларга бой бўлди. Янгиқўрғонлик йигит-қизлар олдида кўндаланг турган юзга яқин масалалар ўз ечимини топди. Якунда марказда фаолият кўрсатаётган тўгаракларга 50 миллион сўмлик чолғу асбоблари, кутубхонага таниқли жаҳон ва ўзбек адабиёти намоёндаларининг эллик миллион сўмлик энг сара асарлар тўплами совға қилинди. Тиббиёт йўналишида касб эгаллаётган йигирма нафар талабага бир йиллик контракт пуллари тўлаб берилди.

Сектор раҳбарларининг чекка маҳаллаларда бўлиб, “Темир дафтар”га киритилган оилаларда яшаётган ёшлар била қилган жонли мулоқотлари нанайликларни тўлқинлантириб юборди. – Шу куни мен каби кўплаб ёшларга компьютер ва китоблар жамланмаси совға қилинди. Вилоят ҳокими томонидан кўрсатилган бундай эътибор бизларни янада яхши ўқишга, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишга ундайди, – дейди Хуршида Ортиқова.

– Ёшлар фестивали доирасида бандлик масаласи асосий эътиборда бўлди. Бешбулоқ ва Водий маҳалласида “Мадина Шоҳрух текстил” корхонаси ва “Yan Med Diagnostika” хусусий диагностика ва даволаш маркази фойдаланишга топширилди. Уч юз эллик ишчи ўрнига эга бўлган бу даргоҳларда бир юз эллик нафар янгиқўрғонлик ёшлар ўз иш фаолиятини бошлайди, – дейди туман ҳокими Асадилло Нажмиддинов.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ**

# Тошкентда кино ҳафталиги кунлари бўлиб ўтмоқда

***Жорий йилнинг 11-16 январь кунлари Ёшлар ижод саройида “Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография” ойлиги доирасида ташкил этилган "Ўзбек миллий кино санъати ҳафталиги" давомида янги кинолойиҳалар тақдимоти, ёшлар учун маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, кастинг ва конференциялар ҳамда янги фильмлар премьералари бўлиб ўтмоқда.***




Бундан ташқари, Республика бўйлаб таниқли киноижодкорлар билан ижодий учрашувлар ташкил этилиб, аҳоли билан ўзбек кино санъати тарихи ва бугунги куни бўйича мулоқот уюштирилмоқда. Учрашувлар сўнггида бир қатор тарихий-бадиий фильмларнинг бепул намойиши бўлиб ўтаяпти. Ушбу ҳафталик давлат раҳбарининг ноябрь ойида янгиланган “Ўзбекфильм” студиясига ташрифи давомида берилган топшириқлари ижроси юзасидан ўтказилмоқда. Ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан соҳанинг ривожланиш йўли белгилаб берилиб, киноижодкорлар олдига қатор топшириқ ва вазифалар қўйилган эди. Кино ҳафталик доирасида ёш киноижодкорлар учун Бутунроссия давлат кинематография институтининг Тошкентда филиалини очиш, Тошкент Халқаро кинофестивалини ташкил қилиш, чет элда сақланаётган ўзбек фильмларини қайтариш, ёш киноижодкорларга шароит ва имконият яратиш каби муҳим топшириқлар бўйича экспертлар ҳамда мутахассислар билан “Ўзбеккино”нинг 2021 йилги “йўл харитаси” қабул қилинади.

“Олдимизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда соҳа вакиллари, экспертлар ва янги лойиҳалар иштирокчиларининг таклиф ва тавсияларига эҳтиёж пайдо бўлди. Ушбу йўл харитасини “кабинет”ларда эмас, балки киножамоатчилиги билан муҳокама қилиб ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга”, дея фикр билдирди “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Бош директори Фирдавс Абдухолиқов.

Шунингдек, ҳафталик давомида миллий мультипликация, ҳужжатли ва бадиий фильмлар ҳамда ёш киноижодкорлар кунлари ўтказилади. Ҳафталикнинг ҳар куни бир-биридан қизиқ ўндан ортиқ тадбир ва учрашувлар, бир нечта кастинг ва питчинглар, кино соҳасига оид долзабр мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда ижодий учрашувлардан иборат бўлиб, кун сўнгида янги премьералар намойиши бўлиб ўтади.

**“Ўзбеккино” Миллий агентлиги Ахборот хизмати.**

Сирдарё вилояти

# “Гулистон тиббиёт кластери”да лойиҳа ишлари бошланди

***Президентимиз ўтган йилнинг октябрь ойида жойларда амалга оширилаётган ижтимоий -иқтисодий ўзгаришларни ўрганиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Гулистон шаҳрида “Гулистон тиббиёт кластери” лойиҳасини ишлаб чиқиб, уни амалиётга татбиқ этиш юзасидан топшириқлар берган эди.***

Ушбу топшириққа биноан 9 та тиббиёт муассасаси, яъни вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, кардиология ва эндокринология диспансерлари, кўз касалликлари шифохонаси, диагностика маркази, қон қуйиш станцияси, суд тиббий экспертиза бюроси, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали ягона бошқарув асосида кластерга бирлаштирилиб, бошқарилиши белгиланди.

Шунга кўра, вилоятга Қурилиш ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Ўзтиблойиҳа” МЧЖ, архитектура бошқармаси, Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси вилоят бўлими вакиллари ҳамда Сурхондарё, Наманган, Фарғона, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармаларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарларидан иборат лойиҳачилар гуруҳи Гулистонга ташриф буюриб, барпо этилиши кўзда тутилган “Гулистон тиббиёт кластери” биноси лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Лойиҳага кўра, мавжуд қурилиши кўзда тутилган 6 қаватдан иборат бинода бир жараённинг ўзида 580 нафар беморга хизмат кўрсатилади. Бунда барча бўлимлар, диагностика ва лаборатория текшируви таҳлилхоналари марказлашитирилиб, битта бинога жойлаштирилади. Бошқарув тизими такомиллашиб, штат бирликлари мақбуллаштирилади. Бу эса тиббиётга инновацияни кенг жорий этиш, биотехнология ишларини самарали ташкил этиш имконини беради. Қолаверса, тиббиёт кластерида эндоваскуляр хирургия, кардиохирургия, трансплантация хизматлари кенг йўлга қўйилиб, бир жойнинг ўзида амалга оширилиши учун катта қулайликлар яратилади.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

*МУШОҲАДА*

# Ватан юракда бўлади

*Баъзан Ватан ҳақидаги узундан узоқ ва баландпарвоз гаплардан кўра, бир кичик асар инсонга кўпроқ таъсир қилади. Кўплаб болаларнинг тасаввурини ўзгартирган, дунёқарашини ўстирган ана шундай асарлардан бири грузин адиби Нодар Думбадзенинг “Ҳелладос” ҳикоясидир.*

Балки биринчи бор ўқилганда унда қандай туйғу ҳақида сўз бораётганини бола тўлиқ англамас. Аммо бадиий асарнинг қудрати шундаки, у ўқилгач, йиллар давомида ҳам шуурида сақланади. Бир куни китоб қайта ўқилганда, тафаккур кенгликларида изланган саволнинг жавоби ярқ этиб чиқиб келади. “Ҳелладос”да ҳам шундай: асар қаҳрамони Янгулининг қалбида ота-бобоси туғилган Греция эмас, ўзи ўсиб-улғайган Сухуми ватан тимсоли эди. Оқибатда у ўзини шу ватани учун, Жамолдан қизғаниб аёвсиз муштлашган Сухумиси учун қурбон қилди...

Бундай асарлар ўзбек адабиётида ҳам кўп. Битта мисол: Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи қаҳрамони асар сўнггида Ватан озодлиги учун курашга кетади. Мен романни Қодирий ушбу детал учун ёзган деб биламан. Зеро ҳар қандай ўқувчи асарни ўқиш давомида қадрдонига айланиб қолган қаҳрамонининг кейинги тақдирини билишга қизиқади. Балки Қодирий ҳам айни шунинг учун ҳам асарни шундай битиргандир...

Мен бу фикрлар билан ёш авлод камолотида мутолаанинг ўрни қанчалик муҳимлигини айтмоқчиман. Бугунги шиддаткор ва замонавий технологиялар асрида, ҳар бир инсоннинг қўлида ахборот қурилмалари бўлган даврда ёшлар онгида Ватан ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва кучайтиришда китоб мутолаасининг аҳамияти янада ошмоқда.

Ҳозирча китоблар мутолааси депрессия ва бошқа оғир руҳий муаммоларнинг ажойиб ечими экани исботланиб улгурди. Ҳатто, хорижлик айрим шифокорлар беморларни биринчи бўлиб, кутубхонага, сўнгра дорихонага юбориш амалиётига эътибор қаратмоқда.

Аммо нега китоб мутолааси камайиб бормоқда. Тўғри, телефонда, ижтимоий тармоқларда мутолаа қиляпмиз. Аммо китоб мутолаасининг бир қанча афзал жиҳатлари бор. Аввало, ўқувчи чалғимайди. Эътибор фақат китобда бўлади. Яна шуки, қоғозда ўқишнинг ўзига хос завқи бор.

Болалик – ёзилмаган қоғоздир. Бугуннинг болалари ҳам барча даврлардаги каби беғубор. Шундай экан, уларни ватан ва миллатнинг сара фарзандлари этиб тарбиялайлик. Бунинг учун эса эзгуликка ошно этайлик, жумладан, китоб билан дўст тутинишига имкон ва шароит яратайлик.

Ана шундагина ҳақиқий ватанпарвар фарзандларни вояга етказамиз. Қуруқ даъват билан эса кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Ватан ҳақида, ватанпарварлик ҳақидаги баландпарвоз гапларни ҳар гал эшитганимда “Ҳелладос”да Янгулининг Жамолга қарата айтган ўша оловли сўзлари қулоқларим остида янграгандай туюлади: “Бу – нақш, Жамол! Ватан бундан ичкарироқда, нақ юракнинг ўзида бўлади!”

Бу туйғуни алангалатиш эса ўз қўлимизда.

**Саодат МУЗАФФАРОВА,**
*Зангиота туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси.*

# Эътиборсизлик қилманг!

***Сўнгги пайтларда ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз воқеалар юз бераётгани ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқларда тез-тез учрамоқда. Ачинарлиси, кўп ҳолларда инсонлар бевақт кўз юммоқда. Балки ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинганда, доимо эҳтиёт бўлинганда бу каби ҳолатлар юз бермасмиди, деган ўй хаёлимиздан ўтади.***

Ўзингиз, яқинларингиз ва уйингизни ёнғиндан сақлаш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишингиз муҳимдир. Уйдан бирон бир иш билан кўчага чиқсангиз ёш болаларни қаровсиз қолдирманг, электр жиҳозларини ўчиришни унутманг! Ёниб турган газ плитасини қаровсиз қолдирманг, кийим-кечакларни қуритиш учун унинг устига илманг. Қўлбола электр иситиш печкаларидан фойдаланманг. Қиш мавсумида ҳушёрлик билан ҳаракат қилинса, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади.

Носоз электр тармоғидаги қисқа туташув ҳам ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳар қандай электр жиҳозларининг созлигига доимо эътибор қаратинг! Ана шундагина кўнгилсиз ҳолатлар юзага келмайди.

Энг муҳими шуни ҳам унутмаслик керакки, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш билан саломатлигимиз, йиллар давомида яхши ниятлар билан тўпланган мулкимизни ёнғин хавфидан асраймиз.

**Шуҳрат РЎЗИХОДЖИЕВ,**
*Мирзо Улуғбек тумани ФВБ П ва НБ мутахассиси, кичик сержант.*

## ЭЪЛОНЛАР

Шайҳонтоҳур туманидаги Ўкув даволаш комплекси тиббиёт коллежи томонидан 2015 йилда Эркинова Мохира Комил қизи номига берилган К № 4033556 (рўйхат рақами 1015) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи томонидан 2004 йилда Раҳманова Мастура Бахрамовна номига берилган К № 054032 (рўйхат рақами 79) рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент маданият техникум томонидан 1994 йилда Артикова (Ахмедова) Наргиза Юлдашевна номига берилган 162139 (рўйхат рақами 1137) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Ички аудит хизмати етакчи мутахассиси **Фахриддин АМАНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Ҳабиб ТЕМИРОВ (*Бош муҳаррир ўринбосари*)

Раимқул СУЯРОВ (*Бош муҳаррир ўринбосари*)

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Саҳифаловчи-дизайнер: **Маркс ЮСУПОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-147, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
**3 398** нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50. **Аграр масалалар бўлими** – 236-26-47. **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 233-76-78. **Факс** – 233-44-43, 233-09-93. **Реклама ва эълонлар** – 236-26-50, 233-28-04. **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда.**

ISSN 2010-7021

**Босишга топшириш вақти:** 21.00
**Босишга топширилди:** 22.30